4.33 Бир кўча доирасида трамвай ва троллейбус туташув тармоқларини мустақил туткич қурилмаларни кўзда тутиш лозим. Туташув тармоқлари таянчларини йўлнинг ён девори ёнида ўрнатиш имкони бўлмаганда трамвай ва троллейбус туташув илгаларини (қияликдаги симларда илинган илгалардан ташқари) умумий туткич қурилмаларга (кўндаланг тўсинларга) илиш рухсат этилади.

4.34 Девор илгагдан бинонинг бурчагича ва девор ўйимларининг четиғача (дераза, эшик ва шунга ўхшашлар) масофа (тик ва ётиқ буйича) камида 0,5 м бўлиши керак.

Деворлардаги эгилювчан туткич қурилмалар маҳкамланган ерлардаги битта девордаги илгалка тушувчи ҳисобий куч 7000 Н (700 кгс) дан ошмаслиги керак.

4.35 Трамвай ва троллейбус туташув тармоқларининг туткич қурилмаларини (сим аркон кўндаланг тўсинлари, таянчлар) туташув тармоқларига таалуқли бўлмаган қандайдир қурилмаларни илиш учун фойдаланиш рухсат этилмайди.

Туташув тармоқлари кўндаланг тўсинларини туташув тармоқларининг туткич қурилмаларидан 1 кВ кучлинига алоқа ва СЦБ ўтказгичларининг ёкки погонли ихоталанишини бажарилиш шaroитида ушбу СЦБ кўндаланг тўсин ўтказгичлари ва уланишларини узунасига

ётқизиш учун фойдаланиш рухсат этилади.

## ТАЯНЧ ҚУРИЛМАЛАРИ

4.36 Трамвай ва троллейбус туташув тармоқларидаги таянч қурилмалари сифатида махсус таянчлардан ва мувофик танкилотлар билан келишилган ҳолда - ер ости йўлкалари, кўприклар, йўл ўтказгич ҳамда бошқа муҳандислик иншоотлари қурилмаларидан фойдаланиш лозим.

Бинонинг юк кўтарувчи унсурларига маҳкамланган махсус уришма қисмлардан фойдаланиш ҳолларидан ташқари, биноларга туташув тармоқларини маҳкамлаш учун осма темир бетон панели дево, лардан фойдаланиш рухсат этилмайди.

4.37 Трамвай ва троллейбус туташув тармоқлари учун тортилган ва тортилмаган ўзакларга эга бўлган темир бетон таянчларини ҳамда электрлаштирилган шаҳар нақлиёти учун мулкаланган пўлат таянчларни қўллаш лозим.

Муҳандислик иншооларидаги (кўприклар, йўл ўтказгичлар ва эстакадалардаги) зулфинли қисмлар билан юкли мувозанатлагичлардаги таъминловчи сим арконларга чиқиш жойларидаги тутушларда, шунингдек 35 кВ ва ундан юқори кучлинишли электр ўтказгич симлари миянтақасидаги тутаниш тармоқлар таянчларини ўрнатишда пўлат қувурсимон таянчларни кўзда тутиш тавсия этилади.

Ҳос таянч қурилмаларини қўллаш заруратини лойиҳада белгилаш ва асослаб бериш лозим.

Трамвай ва троллейбус туташув тармоқларининг темир бетон ҳамда металл таянчларини ерга улаш талаб этилмайди.

4.38 Трамвай ва троллейбус туташув тармоқларининг темир бетон таянчлари қурилмаларини КМК 2.03.01-7, талабларига мувофик, пўлат таянчларни эса - КМК 2.03.05-97 га мувофик ҳисоблаш лозимдир.

Пўлат таянчларга ётиқ куч ҳисоби китобини  $P_p$  кс, қуйидаги иқола буйича аниқлаш лозим:

$$P_p = K P_n$$

қасрда К - ортиқча юк коэффициенти  
 енти,  $K=1,3$ ;  
 $P_n$  - таянчнинг юкорисига  
 қуйилган таянчнинг метъ  
 рий кучи, кгс;

Метъерий куч таъсири остидаги  
 темир бетон ва пулат таянчларнинг  
 ҳисобий эгиллиши таянчнинг ер устки  
 қисмини 1/70 балан дигидан, таянчнинг  
 ичида юк жойлашган юкли  
 мувозанатлагичли зулфили таянчлар  
 учун эса 1/150 дан ошмаслиги керак.

4.39 Турли томонга йуналтирилган  
 таянч кучларини қабул қилишда  
 таянчларни исталган сим арконлар  
 таянчларида маҳкамланувчидан узлиш  
 мүмкинчилигини инобага олган ҳолда  
 таъсир этувчи барча кучларни энг қулай  
 уйғунлиги учун аниқланувчи натижавий  
 куч буйича танлаш лозим. Бунда таянч  
 юкорисига келтирилган натижавий куч  
 қиймати таянчга тушувчи метъерий кучдан  
 ортиқ бўлмаслиги керак.

4.40 Темир бетон таянчлар учун  
 таянчлардаги натижавий ҳисобий кучни  
 метъерий билан солиштириш буйича  
 ортиқчаллиги 25 % дан ва пулат таянчлар  
 учун 50 % дан ортиқ бўлмағанда, эътисно  
 тарикасида, қуйилаги ҳолларда  
 таянчларни зулфили тортқичлар билан  
 қўчайтиришни кўзда тутилади:

мавжуд таянчларда қўшимча  
 юклар таъсирати бўлганда;  
 юкли ва лизматчи йулларда;  
 депо ҳудудида ва таъмирлаш  
 устахоналарида (заводларда);  
 шаҳар танқарисидани йулларда.

Нақлиёт ва пидедалар ҳаракати  
 мүмкин бўлган ерларда; зулфин  
 тортқичлар жойлашган баландлиги  
 ишонли қатнов қисми сатҳидан камида  
 5м, йўлка билан қишишларда эса -  
 йўлка қоплами сатҳидан камида 3м қабул  
 қилиниши керак.

4.41 Трамвай ва троллейбус  
 туташув тармоқларнинг таянчларини  
 йўлкалардан ёки майсазорлардаги йул ён  
 деворлари буйлаб жойлаштириш лозим.  
 Ён девор тошигини киррасидан таянч  
 ўқигача бўлган масофани 1м қабул  
 қилиш лозим. Бунда ён девор теги  
 киррасидан таянчнинг танки юзасигача  
 бўлган масофа камида 0,6м бўлиши  
 керак.

Юқрида таянчларни қўшилларда,  
 бино деворлари етида, яшил экинлар  
 минтақаларида жойлаштириш мүмкин.

Таянчларни ён девор тошлари  
 билан чегараланмаган йул буйлаб  
 урнатишда, уларни намулавий ён деворли  
 тусик ар урнатиш билан йулнинг қатнов  
 қисми (асфальт қопламли) чеккасида  
 камида 1,75 м масофада йул ёкисида  
 жойлаштириш лозим. Трамвай йули  
 ўқидан туташув тармоқлари  
 таянчларигача бўлган энг кичик  
 масофани мазкур метъернинг 2,2, 2,5  
 бандлари талаблари билан мувофиқ  
 равишда қабул қилиш лозим.

4.42 Трамвай ва троллейбус  
 туташув тармоқларининг таянчларини  
 асосчи, бетон (бетон синфи В15) ёки хос  
 йиғма темир бетон (бетон синфи В20,  
 В30) пойдеворларида урнатиш лозим.

Трамвай ва троллейбус туташув  
 тармоқлари таянчлари пойдеворларининг  
 ҳисоб-қитобларида ҳисобий куч сифатида  
 ортиқча юк коэффициентини  $K=1,3$  билан  
 таянчга тушувчи метъерий кучни қабул  
 қилиш лозим.

Пойдевор таглигининг ётказилиш  
 чуқурлиги хос ҳудуддаги тупрок музлаш  
 чуқурлигидан кам бўлмаслиги керак.

Туташув тармоқлари  
 таянчларининг йиғма темир бетон  
 пойдеворлари электрик емирилишда ва  
 тироф муҳит таъсиридан пайдо булувчи  
 емирилишлардан муҳофазаланган  
 бўлишлари керак.

4.43 Трамвай ва троллейбус  
 туташув тармоқлари таянчларининг  
 пойдеворларидан ер ости муҳандислик  
 тармоқларигача бўлган ётиқ масофасини  
 (оралигини) ҚМҚ 2.07.01-94 буйича  
 қабул қилиш лозим.

Трамвай ва троллейбус туташув  
 тармоқлари таянчларини, мустасно  
 тарикасида, ер ости иншоотлари,  
 робиталари устида ер ости иншоотлари  
 юкорисидан таянчнинг пойдевори  
 асосигача камида 0,5 м, метрополитен  
 иншоотлари учун эса - 1,0 м масофада  
 ўрнатиш руҳсат этилади.

4.44 Туташув тармоқлари  
 таянчларини ер ости робиталари қатта  
 зичликда бўлган ерларда урнатиш  
 заруратида таянчларни махсус  
 қурилмаларда пойдеворлик ўқини  
 таянчнинг тик ўқига инебатан сижитланган  
 ҳолда ер ости робиталари устида  
 таянчларни жойлаштиришни кўзда тутиш  
 руҳсат этилади.

4.45 Трамвай ва троллейбус  
 туташув тармоқлари таянчларини  
 муҳандислик иншоотларида (қўлчиларда,

йўл ўтказгичларда, эстакадаларда ва шу кабиларда) муҳандислик иншоотларининг юк кўтарувчи унсурларига маҳкамланувчи пулат стаканларда ёки гардишларда ўрнатиш лозим.

Пулат стакадаги таянчларни 0,6-0,8 м чуқурлатиб ва стаканининг пастки ва юқори қисмида айланма ўлчами бўйича пулат позалар билан позалаб маҳкамлаш лозим. Стаканининг юқори қисмида таянчни стаканга найвандлаш рухсат этилади. Таянчларни гардингги маҳкамлашни болтлар билан бажариш лозим. Таянч маҳкамланган жойидан сув четлатиш билан таъминланиши керак. Муҳандислик иншоотларига таянчларни маҳкамлаш қурилмаларини ўрнатишувчи таянчга таъсир этувчи ҳисобий кучлар бўйича ҳисоблаш лозим.

4.46 Трамвай ва троллейбус туташув тармоқлари таянчларини уларда туташув тармоқларига тегишли бўлмаган сим арқонлар, ўтказгичлар ва қурилмаларни маҳкамлаш учун фойдаланиш фақат туташув тармоқларидан фойдаланувчи ташкилот билан келишилганликка кўра ҳамда таянчнинг мсьерий кучлар доирасида рухсат этилади...

### ОСМА ЎЗАК ВА ТУТАШУВ ТАРМОҚЛАРИНИНГ МАХСУС ҚИСМЛАРИ

4.47 Трамвай ва троллейбус туташув тармоқларининг осма ҳамда маҳкамлагич ўзак ҳамда қурилмалари, шунингдек махсус қисмлари туташув ўтказгич ёки ток қабул қилгичнинг туташув ўрнатмаси, юргич унсурларининг текис ва зарбсиз ўтишини таъминлаши керак.

4.48 Трамвай ва троллейбус туташув тармоқларининг махсус қисм ва қурилма қурилмаларида троллейбуснинг мусбат ва манфий кўтбўлини ўтказгичлари орасида 5 кВ кўчланишга синалган ҳимоя билан таъминланган бўлиши керак.

4.49 Туташув тармоқларининг қурилмалари ва махсус қисмлар юргич юзаси унсурлари сатҳининг туташув ўтказгичи сатҳига нисбаган пасайиши 0,02 % қияликдан ортмаслиги керак. Туташув тармоқларининг ўзати ГОСТ 23476 79\* га, туташув тармоқларининг қурилма ва махсус

қисмлар эса - тайёрлов-заводнинг техник шартларига мувофиқ бўлиши керак.

4.50 Туташув симларининг кесишган ва бирлашган (а) эшган) бурчаклари туташув симларини иулини ётқазилда саноатда тайёрланувчи туташув тармоқлари махсус қисмлари бурчак қурилмаларининг рухсат этилган даражасига мувофиқ бўлиши керак.

Трамвай ва троллейбус йўлларининг кесишишларида махсус қисм қурилмалари трамвай йўллари мувозни текислигини текисликда кесишишни фазовий ҳолатини таъминлаши керак.

Махсус қисмлар қурилмаларидаги ётиқ текисликда туташув симларини синиши рухсат этилмайди.

Бўлимли ҳимоялагичла туташув симларини синиши 4° дан ортиқ бўлмаганда рухсат этилади.

4.51 Туташув тармоқларининг махсус қисмларини, асосан, йўлнинг 15 % дан кам қияликдаги қисмида ўрнатиш лозим.

Туташув тармоқларининг махсус қисмларини ихоталанган юришиш унсурлари билан қуйидаги йўлнинг бўйлама қияликларида ўрнатиш рухсат этилади, %:

троллейбус йўлларини кесишишларида	20 гача
трамвай ва троллейбус йўлларининг кесишишларида	25 гача
бошқарилувчи йўналтиригич мелин тутушларда	25 гача
ўқаш кесишишларда	30 гача
бўлимли ихоталагичлар	40 гача
Айрим ҳолларда муз ҳосил бўлмаганда ва мувофиқ асосланган тақдирда қияликларни 5 % га ошириш рухсат этилади.	

4.52 Рухсат этилган қияликдан ортиқ кўтарилишларда ток остида ҳаракатни таъминловчи туташув тармоқларида кесишув қурилмаларини қўзда тутиш лозим.

4.53 Трамвай ва троллейбус йўлларининг кесишиш қурилмалари, асосан, кесишишни троллейбус ток остида, трамвай эса - инерция бўйича ўтишини таъминлаши керак.

4.54 70 м дан кам радиусли трамвай йўлларининг эгри қиялик қисмларида ёки йўлнинг қийшқ қисми билан кўтарилишлар уйғунлаштириш трамвай ва троллейбус туташув йўлларининг трамвайни ток остида троллейбуслар эса инерция бўйича

Ўтишни таъминловчи кесишиш қурилмаларини қабул қилиш лозим.

4.55 Иҳоталанган юргич унсурлар бўлган троллейбус йўллари кесишиш қурилмалари орасидаги масофа 5 м дан кам бўлмаслиги керак.

Кесишишлар орасидаги масофа 5 м бўлганда, асосан, ток остида ҳаракатни таъминловчи кесишишларни қабул қилиш лозим.

4.56 Гуташув тармоқларининг махсус қисмларининг иҳоталанган юргич унсурлари чиқишда ёй учиргич қурилмаларига эга бўлишлари керак.

4.57 Троллейбуснинг автоматик милли тутунларини чорраҳалар ва пиёдалар йўлқалари олдига қуйидагича масофадан кам бўлмаган равишда ўрнатиш лозим, м:

12 м гача узунликдаги троллейбуслар учун ..... 20

бўлинган троллейбуслар учун ..... 30

Ўхшаш милли тутунларни чорраҳалардан ва пиёдалар йўлқаларидан камида 8 м масофадан кейин жойлаштириш лозим.

## ТУТАШУВ ТАРМОҚЛАРИ ИҲОТАЛАРИ

4.58 Трамвай ва троллейбус туташув тармоқларининг кучланиш остидаги қурилмалари қуйидагиларга нисбатан камида икки босқичли иҳотага эга бўлишлари керак:

таянч қурилмаларига (таянчларга, биноларга, муҳандислик иншоотларига);

трамвай ва троллейбуснинг яқин йўлларининг туташув илгакларининг ток ўтказувчи унсурларига;

бошқа моҳияли ўтказгич ва жиҳозларга.

Битта троллейбус туташув йўллариининг манфий ва мусбат қутбли ўтказгичлари орасид 5 кВ сгчов кучланишига ҳисобланган бир босқичли иҳота ўрнатиш рухсат этилади.

Шип илгак аридаги иҳоталанган тахта ва ёғочларга маҳкамлашувчи туташув ўтказгичлари 5 кВ сингч кучланишига ҳисобланган шароитда иҳоталанишнинг иккинчи босқичи қабул қилиниши мумкин.

4.59 Оддий ва маҳкамлагич эгиловчан кундаланг түсинлардаги иҳотани қуйидагича кузда тутиш лозим:

туташув ўтказгичлари маҳкамланган жойларда;

кундаланг түсинларни таянч қурилмаларига маҳкамланган жойларида;

трамвайнинг ҳар қайси туташув ўтказгичидан камида 1,5 м ва 2,0 м дан ортиқ бўлмаган масофада.

Трамвай туташув ўтказгичи билан орасидаги масофа 6 м дан кам бўлганда кундаланг түсин билан шу ўтказгич орасидаги иҳотани ўртасига ўрнатиш лозим.

Трамвайнинг туташув тармоқларида иҳоталанмаган илгаклардан фойдаланилганда туташув ўтказгичини кундаланг түсинга маҳкамланган срида иҳоталашни эътиборга олмаслик рухсат этилади.

4.60 Пулат сим арконли юк кўтаргич эгиловчан кундаланг түсинлар бир босқичли иҳоталаш билан ажратилган бўлишлари керак:

туташув ва кучайтиргич ўтказгичлардан;

туташув тармоқларининг махсус қисмларидан.

4.61 Таъминловчи ёки йўл оралигини бирлаштириш вазифасини ўтовчи эгил чан кундаланг түсинлар кучланиш остидаги туташув тармоқларининг қолган унсурларидан икки босқичли иҳота билан ажратилган бўлиши керак. Кучланиш остидаги занжирли илгакларнинг буйлама юк кўтарувчи сим аркон ва электр бир аштиргич билан трамвай туташув тармоқларининг йўл оралигини бирлаштирувчи ташкил этувчилардан ташқарилар бир босқичли иҳота рухсат этилади, шунингдек электр бирлаштиргич оддий илгакларни туташув ўтказгичлари орасида бевосита электр бирлаштиргич рухсат этилади.

4.62 Мураккаб шаклдаги кундаланг түсинларда (бурчақлар, трапелиялар ва шу кабилар) туташув ўтказгичлар омонидан кундаланг түсинларни ширим ташкил этувчи унсурларининг бирикши ерларида қўшимча босқичли иҳоталаш зарурдир.

4.63 Занжирли илгакларнинг буйлама юк кўтарувчи сим арконлари тутиб тургич қурилмаларидан, троллейбус туташув тармоқларида эса - туташув ўтказгичларидан ҳам бир босқичли иҳота билан ажратилган бўлишлари керак.

4.64 Тутиб тургич симлардаги иҳотасини уларни туташув ўтказгичларига

ёки махсус қисмларга маҳкамланган ерларида кўзда тутиш лозим.

Бир вақтнинг ўзида электр бирлаштиригич булиб ҳисобланадиган юк кўтаргич қундаланг тўсишларга симларни маҳкамлашда, ҳар қайси симда иккитадан ихотаси бўлиши керак.

4.65 Зулфинли сим арқонлардаги ихота улари туташув ўтказгичларига, тутиб тургич қурималарга ва таянч қурималарига маҳкамланган ерида ўрнатилган бўлиши керак. Трамвайнинг туташув ўтказгичи зулфинли сим арқонларидаги туташув ўтказгич томонидан ихотани йўл уқин 1,5 м масофада бўлган ерларда ўрнатиш лозим.

4.66 Кучланиш остидаги туташув тармоқларининг унсурлари камида қуйидаги масофага олинган бўлишлари керак, м:

таянч қурималаридан .....	1,5
бино айвоқлари ва дераза уйимларидан.....	2,0
ихоталанган таянчлардан .....	0,25
дарактлар танасидан .....	1,5
шоҳлардан .....	1,0

муҳандислик иншоотларининг металл қисмларидан:

эркин илишларда (ораликда) .....	0,2
каттик маҳкамлашда .....	0,1

Кўрсатилган талабларга риоя қилиш имкони бўлмаган ҳолларда махсус муҳофаза қурималарини (ихоталанган қобиклар, қалқонлар ва шу қабилар) кўзда тутиш зарур.

4.67 Муҳандислик иншоотларининг пулат қурималари остида жойлашувчи туташув ўтказгичлари устида иншоот четки тўсинидан 0,25 м чиқувчи ихоталанган қалқонларни кўзда тутиш зарур. Ихоталанган қалқонларни тошли ёки бетон сиртли унинг юзасида металл қисмлар чиқиб турмаган иншоотлар учун кўзда тутмаслик рухсат этилади. Дөпонинг ишлаб чиқарили бинолар, ва таъмирлаш устaxonалари (заводлар) дарвозаларидан туташув ўтказгичлари ўтадиган ерларидаги дарвоза табақасининг металл қисми муҳофаза қатламининг калинлиги камида 20 мм бўлган электрдан ихоталовчи ашёлар - текстолит, ёғоч пластик ва шу қабилар билан ўралган бўлишлари керак.

## ТАЪМИНЛАШ ВА БЎЛИМЛАШ

4.68 Шаҳар чегарасидаги тортиш кичик электр линияларидан туташув тармоқларини таъминловчи симларни ерда ёлқазилган сим арқонлар равишда

кўзда тутиш лозим. Шаҳар чеккаси учун симларни ҳаво симларида ўтказиш рухсат этилади.

Симларни таъминловчи ва кучайтирувчи сим арқон ҳамда ўтказгичлар қесимларини электрик ҳисоб-китобларга мувофиқ, ҳаво симларини эса, бундан ташқари, механик мустақамликка текшириб қабул қилиниши лозим.

Таъминловчи ва кучайтирувчи ҳаво симларини, асосан, ҳимояланмаган мис ёки биметалл ўтказгичлардан тайёрланади.

Таъминловчи ва кучайтирувчи симлар ерга нисбатан камида 1 кВ кучланишли ҳимояга эга бўлиши керак.

4.69 Трамвайнинг рельс тармоқларига уланувчи занжирли таъминловчи симлар учун ажратилган электр бирикishiлари билан жиҳозланган сим арқон жавонларини кўзда тутиш лозим.

4.70 Таъминловчи ва кучайтирувчи ҳаво симларини туташув тармоқларининг таянчларига туташув ўтказгичларини қарама-қарши томонида таянчлардан (тархда) камида 0,5 м ораликда энг катта оғишларда қилиш лозим. Бундай ҳолларда туташув тармоқлари таянчларини уларга бошқа моҳиятли электр тармоқларини маҳкамлаш учун фойдаланиш рухсат этилмайди. Туташув тармоқлари таянчларини қучани ёритиш ва қучани ёритиш тақсимлагич тармоқлари учун фойдаланилганда сим арқонни, таъминловчи ҳамда кучайтиргувчи симлар эса 1 кВ кучланишга ҳимояланган мис ҳимояли ўтказгичлардан тайёрланган бўлишлари керак.

Йулка устида жойлашган таъминловчи ва кучайтиргувчи симларни 1 кВ кучланишга ҳимояланганлардан кўзда тутиш лозим. Таянчлардан камида 1,5 м масофада йулнинг (кучанинг) қатнов қисми устида ҳимояланмаган ўтказгичлардан бажарилувчи таъминловчи ва кучайтирувчи симларни ўтказиш рухсат этилади.

4.71 Электр таъминотининг ҳисобий тарзларига биноан троллейбус йулларининг туташув тармоқлари ёй сундиригичли бўлиши ҳимоя хоналари воситасида қатор ҳимояланган қисмларга (булимларга) бўлиниги бўлишлари керак.

Бўлимли ҳимоя хоналарини шуниингдек йулловчилар йуллари ва бошқа моҳияти (депо таъмирлаш устaxonалари,

юкли йўллар ва шу қабила билан технологик алоқа учун) туташув тармоқлари қисмлари орасида ҳамда таъмирлаш ишларини олиб боришда ҳавфсизлик талаблари ва технологик талабларга мувофиқ равишда депо ва таъмирлаш устaxonалари (зочодлари) туташув йўлларини бўлимлаш учун ўрнатиш лозим.

Троллейбус туташув тармоқларида ей сундири чли бўлимли химоя хоналарини мусбат ўтказгичларда қандай бўлса, шундай манфий ўтказгичларда ҳам инobatга олиш лозим.

4.72 Занжирли туташув илгакларининг бўйлама юк кўтарувчи сим арконларида, шунингдек бўлимланган химоя хоналари жойлашган ерлардаги симларни кучайтирувчи ўтказгичларда чўзма химоя хоналарини гўзда тутиш зарур. Троллейбус туташув тармоқларидаги иккала юк кўтарувчи сим аркон 450 м дан ортик бўлмаган узунликдаги қисмга бўлимича бўлимича чўзма химоя хоналари бўлиши керак.

Чўзма химоя хоналарини туткич қўрилмалар ёнида ўрнатиш лозим.

4.73 Таъминловчи сим арконларини ташқарига чиқиб турган қисмининг ёки ҳаво симларини туташув тармоқлари билан бирлаштиришни таъминловчи бирлаштиричлар билан инobatга олиш лозим.

Таъминловчи бирлаштиригичларнинг кесими электрик кучлар ҳисоб-китобларига мос бўлиши ва уларга уланилувчи туташув ўтказгичларининг икки қисмининг йиғиндисидан кам бўлмаслиги керак.

Таянчлар ва таянч қўрилмалари (ичкарисидан каби, шундай ташқарисидан ҳам) бўйича ўтказилувчи таъминловчи бирлаштиригичларни ТҮ 16-705.465-87 га мувофиқ 2,5 кВ дан past бўлмаган кучланишли химоя билан эгилувчан чис ўтказгичлардан тайёрлаш лозим.

4.74 Туташув ўтказгичларига таъминловчи ҳаво симлари ва йўл оралиги бирлаштиригичларини бирлаштиришни 1000 В дан past бўлмаган кучланишли химояланган ҳамда 95 кв.мм кесимчи мис ўтказгичли эгилувчан электр улагиларини (ей билан таъмирланувчи) инobatга олиш лозим.

Ҳар қайси туташув ўтказгичини таъминловчи бирлаштиригичга улашни

икки ёйли, йўл оралиги бирлаштиригичига эса - бир ёйли кўзда тутиш зарур.

4.75 Туташув тармоқларида ҳаракатнинг турли йўналишларининг бир кутб ўтказгичига ва уларга мос равишда симларни кучайтирувчи ўтказгичларига уланивчи йўл оралиги электр бирлаштиригичини жойлаштириш лозим.

Электр таъминотининг икки ўтказгичли тизимида йўл оралиги бирлаштиригичини қуйидагичини жойлаштириш лозим:

трамвай туташув тармоқлари учун ҳаво бўйлаб ва троллейбус туташув тармоқлари учун икки йўлли таянчларда ҳамда эгилувчан кўндаланг тўсинларда ҳар 150-200 м оралигида ўтказиш билан;

ҳар 300 м оралигида ерда ётказиш билан. Истисно ҳолларда бу ораликни 400 м гача ошириш рўхсат этилади;

кучлантирувчи симли туташув тармоқлари қисмларида ҳар 120-200 м оралигида;

кичик электр станциялари орасидаги ҳисобий ток ажратишлардаги бўлимланган химоя хоналарининг (улардан иккита ораликдан узокда эмас) ҳар иккала томони бўйича;

таъминловчи ёнма-ён қисмлар орасида жойлашувчи, қаерда ҳаво ёки сим аркон таъминловчи бирлаштиригичлар ўрнатилиши мўлжалланмаган бўлимланган химоя хоналари олдида;

ҳаракатнинг ҳар қайси йўналишида махсус таянчлардаги троллейбус туташув тармоқлари учун ҳар 200-300 м оралигида ҳаво бўйича ўтказишда.

Химояланмаган ҳаво электр бирлаштиригичларини сим аркон кўндаланг тўсинларидан тик йўналиш бўйича камида 1,0 м; химояланган таянчлардан - камида 0,5 м масофада жойлаштириш лозим. Химояланмаган ҳаво электр бирлаштиригичларини сим арконли кўндаланг тўсинлар билан бир сатҳда жойлаштиришда ётиқ бўйича улар орасидаги масофа камида 0,5 м бўлиши керак.

Йўл оралиги электр бирлаштиригич сифатида туташув тармоқлар тўғрисидаги, айланма ҳалқаларини, симларни ҳаво милларини бирлаштирилари (ажратилиши) фойдаланиш рўхсат этилади.

4.76 Трамвай занжирли илгакларининг бўйлама юк кўтарувчи сим арконларини электр бирлаштиригичнинг туташув ўтказгичлари (ей билан) билан

120-200 м оралигида, юк кутаргич сим арконларни бир вақтнинг узида ўтказгични кучайтириш сифатида фойдаланилганда эса - 80-150 м оралигида бирлаштириш лозим. Бўйлама юк кутарувчи сим арконларни тортигич химоялагичлар билан бўлимланган жойларидаги электр бирлаштиргичларни ушбу химоялагич-ларнинг иккала томонида эътиборга олиш зарур.

4.77 Тортиш кичик эле..тр станцияларидаги трамвай ва троллейбус йўлларининг электр таъминотида лойиҳалашда тугашув тармоқлари киска туташув тоқларидан элг куч тоқдан химоя кўзда тилинган бўлиши керак. Бунда таъминловчи симнинг автомат ўчириш қурилмасидаги ток тугашув тармоқлари бўлими киска тугашув тоқидан кам бўлиши керак, кам тоқлардан киска тугашувларда эса тугашув ўтказгичларини қуйишини мустасно этувчи қўшимча химоя қурилмаларини ўрнатиш лозим.

4.78 Мухитли ортикча кучланишдан химояни очиква иморатлар қурилмаган жойларда ёки иморатлар қурилган кўчалар бўйлаб ул..рини кенглиги  $b$ ,  $m$  қўйдаги шартларни қониқтирган тақдирдаги йўллардан ўтувчи трамвай ҳамда троллейбус тугашув тармоқлари қисмида лойиҳалаш лозим:

$b > 7h_0$  (икки ёклама иморатлар қурилганда) ёки

$$b > \frac{1,6 h_0}{1+h_{\Sigma c}/h} \quad (\text{бир ёклама иморатлар қурилганда}),$$

каерда  $h$  - би.онинг энг баланд баландлиги, м;  
 $h_{\Sigma c}$  - тугашув тармоқлари унсурларининг кучланиши остида жойлашган баландлиги, м;  
 $h_0$  - тугашув тармоқлари илинган баландлик дан бино баландлигининг юқорилиги, м

$$h_0 = h - h_{\Sigma c}$$

Мухитдан ортикча кучланишнинг химоя ускуначари қурилмаларини, шунингдек уларни ерга улагичларини лойиҳада аниқланиши лозим.

4.79 Момақалшироки электр-антигиргичларни тугашув ўтказгичларига ёки чиқаргич сим арконларига ва ерга улаш занжирига улаш лозим. Троллейбус тугашув тармоқларидаги электрсиэлант-гиргичларни мусбаг ҳамда манфий тугашув ўтказгичларида кузда тутиш жоиз. Электрсиэлантгиргичларни таъминловчи ўтказгичларни тугашув тармоқларига, шунингдек трамвай ва троллейбуслар охириги тухташ жойларидаги тугашув тармоқларида СЦБ қурилмаларининг мавжуд жойларида жойлаштириш зарур.

Таъминловчи ўтказгичлар хавоний лойиҳаланган ҳолларда, электрсиэлант-гиргичларни шу ўтказгичларни тортиш кичик электр станцияларининг сим арконларга уланган жойларида жойлаштириш лозим.

4.80 Электрсиэлантгиргичларни ерга улашни металл қоб.қларда ва таъминловчи сим арконлар ёки махсус ерга улагичларда кузда тутиш лозим.

Барча ҳолларда ерга уланиш қурилмаларида оқувчи токнинг қаршилиги кўпи билан 10 Ом ни ташкил қилиши керак.

4.81 Сим арконлар манфий қутбни трамвай излари рельсларига улашиш жойларини ГОСТ 9.602-89 талабларини инобатга олган ҳолда бажарилган электр ҳисоб-китобларига мувофиқ жойлаштириш зарур.

#### СИМЛАРНИНГ ТОРТИЛИШINI ЗУЛФИНЛАШ ВА МУВОЗАНАТЛАГИЧ ҚУРИЛМАЛАРИ

4.82 Зулфинлашни қуйидагича ерларда кузда тутиш лозим:  
 тугашув симларининг боши ва охирида;  
 тугашув симларини йуналтиргич тугашуларига бир.киши ва тармоқданишида;  
 илгакларни мустақил зулфини қисмларга бўлиш;  
 тугашув ўтказгичлари тортилиши ва кесимининг узаришида.

4.83 Тортиш тензиғи таъминланганда қуйидаги тугашув тармоқларини узаро зулфинлаш нуҳсат этилади:  
 занжирли илгакларининг ва тугашув ўтказгичларининг бўйлама юк кутарувчи сим арконлари;

троллейбус йўллариининг ва йўналтиришни бошқарув тугуналари;

троллейбус йўллариининг йўналтиргич тугуналари ва туташув ўтказишлари;

троллейбус йўллариининг йўналтиргич тугуналари ва таъжирли илгакларнинг буйлама юк кўтаргич сим арконлари.

4.84 Мухандислик иншоотлари остида туташув симлари кириш, шунингдек чиқиш жойларида каттик илгаклар қўлланилганда, иншоотларнинг юк кўтарувчи қурилмаларида қўшимча узакларни кўзда тутиш жоиз.

4.85 Юкли мувозанатлагичли ярим мувозанатланган ва мувозанатланиб узакланган қисм узунлигини маҳкамлагичлар, торлар ва туташув йўллариининг эгри қисмларини инобатга олган ҳолда аниқлаш зарур.

Тугри қисмдаги узакланган қисм узунлигини куйидагича қабул қилиш лозим, м:

бир ёклама мувозанатлашда 450 дан 700 гача;

икки ёклама мувозанатлашда 900 дан 1100 гача.

Бунда узакланган қисм доирасида туташув симларини таранглигининг ўзгариши меъерий тарангликнинг  $\pm 15\%$  дан ошмаслиги керак.

4.86 Икки ёклама мувозанатлагичли узакланган қисм доирасидаги ярим мувозанатланган туташув илгакларида туташув симларининг ўртача узакланган тугунини назарда тутиш зарур.

Туташув симларининг ўртача узакланган қисмини жойлаштирилган ерига буйлама юк кўтарувчи сим арконининг икки ёклама узакланишини кўзда тутилган бўлиши керак.

Ўртача ўзакнинг икки томони буйича туташув симларини тортиш бир-биридан кўпи билан  $5\%$  га фарқ қилиши керак.

4.87 Троллейбус йўллариининг ярим мувозанатланган ва мувозанатланган туташув илгакларининг трамвай йўллари билан кесилиш тугуналарини троллейбус туташув симлари ўртача узак тутишда  $50$  м дан узоқ бўлмаган масофада ёки троллейбус туташув симларини буйлама силжиши энг кам ерларда, узак қисмининг бошланишида жойлаштириш лозим.

4.88 Юкли мувозанатлагичлар блоклари тебратгич подшипникларга эга

бўлиши ва эгилувчан пулат сим арконлар билан узакланган бўлиши керак (ГОСТ 3064-80\*).

Мувозанатлагич юкларни таянчлар ташқарисига жойлаштиришда юклар тўсиқларини, шунингдек кўндаланг йўналиш буйича уларни силжишини чегараловчиларни кўзда тутиш лозим.

4.89 Мувозанатланмаган туташув илгакларидаги мавсумий - созлагич қурилмаларини ҳар  $300-500$  м оралик жойлаштириш лозим. Мавсумий - созлагич қурилмаларини айланма ҳалқалардан, трамвай ва троллейбус трамвай ва троллейбус йўллариининг кесишув тугуналаридан ҳамда каттик туташув илгаклар жойлашган ерларидан камида  $200$  м масофада жойлаштириш зарур.

### ТРАМВАЙ ВА ТРОЛЛЕЙБУС ЙЎЛЛАРИНИ ҲАВОЙИ ЭЛЕКТР ЙЎЛЛАРИ БИЛАН КЕСИШИШИ ВА ЎЗARO ЯҚИНЛАШИШИ

4.90 Трамвай ва троллейбус йўллари билан кесишиш ҳамда яқинлашиш жойларидаги  $1000$  В гача қучлашни ҳавойи электр узатиш йўллариининг симларига бўлган масофани камида куйидагича кўзда тутиш лозим:

тиклиги буйича: трамвай йўллари учун - ёйли ток қабул қилгичлар ва пантограф билан ток олинганда рельс бошқарининг сатҳида,  $8$  м ҳамда штангалар ток қабул қилгичлар билан ток олинганда  $10,5$  м;

троллейбус йўллари учун - йўл қопламаниннг юқори белги сатҳидан -  $10,5$  м;

ётик буйича: трамвай йўллари учун - ёйли ток қабул қилгичлар ва пантографлар билан ток олинганда йўл ўқидан  $5$  м ҳамда штангалар ток қабул қилгичлар билан ток олинганда  $7$  м;

троллейбус йўллари учун - ёйли ток қабул қилгичлари билан ёйли бошқа оғишдан чегараловчилар билан тўсилган йўл четидан  $6$  м ва троллейбусларнинг симлар ўқларидан оғишдан чегараловчиларсиз туташув йўллари ўқидан  $14$  м.

4.91 Трамвай ва троллейбус туташув тармоқлари таянчлари ҳамда қучлашни  $1000$  В гача бўлган электр узатиш симлари таянчлари (туташув тармоқлари таянчларида жойлаштиришчи куча ёриткичлари симларидан таянчлари)

билан орасидаги масофа (тархдаги) камида 1,5 м бўлиши керак.

4.92 Трамвай ва троллейбус йўлларига муқобил утувчи кучланиши 1000 В гача булган электр узатгичнинг ҳавойи симлари (куча ёритгичлари симларидан ташқари) таянчларни инобатга олган ҳолда туташув тармоқлари билан банд булган минтақадан ташқари жойлашган бўлиши керак.

Мустасно ҳолларда, техник-иқтисодий жиҳатдан асосланганда кучланиши 1000 В гача булган ҳавойи электр узатиш симларини туташув тармоқларнинг устида тундаланг түсинлари жойлаштириш рухсат этилади.

Бунда қуйидаги шартларга риоя қилиш зарур:

кесишув қисмидаги кунда энг түсинлар туташув симларидан иккита химояга эга бўлиши керак;

туташув тармоғининг кундаланг түсинидан энг ноқулай ҳарорат ва кучлар уйғунлигида кўчани ёритиш симларини инобатга олган ҳолда электр узатгични ҳавойи симларигача баланглиги бўйича масофа камида 1,5 м бўлиши керак ҳамда мазкур маъёрнинг 4.90 банди талабларига мувофиқ бўлиши керак.

4.9<sup>3</sup> Кучланиши 1000 В дан юқори бўлган электр узатгичнинг ҳавойи симлари билан трамвай ва троллейбус симларининг кесишган бўлиши 60-90° га тенг қабул қилиши лозим.

4.94 Кучланиши 1000 В дан юқори бўлган электр узатгичнинг ҳавойи симлари билан трамвай ва троллейбус туташув симларини кесишиши ва яқинлашишидаги масофани "электр қурилмаларини ўрнатиш қоидалари." га мувофиқ қабул қилиш зарур.

4.95 Узгарувчан токли электрлаштирилган темир йўл яқинидаги киритилган кучланиш минтақасидаги трамвай ва троллейбус йўлларини жойлаштиришда 110 кВ ва ундан юқори кучланишли ёки зарурий ҳолларда ерга уланган катта токли 35 кВ кучланишли ҳавойи электр узатгич симларини электрлаштирилган темир йўл ёки электр узатгич симларини индуктив ток таъсиридаги туташув симларидан хавфли киритилган кучланиш билан қурашиш бўйича химоя тадбирларини кўриб чиқиш лозим. Рухсат этилган яқинлашувлар ва уларни ҳисоблаш тартибининг меъёрлари 4-мажбурий иловада берилган.

## СИМЛАРНИ ЯҚИНЛАШГИРИШ ВА ТУТАШУВ СИМЛАРИ БИЛАН ҲАРАКАТ ХИЗМАТИ БЎЙИЧА ҚУРИЛМАЛАР

4.96 Йўл ҳаракатини троллейбус ҳаракатини созлаш учун йўл ва оғохлантиргич белгилар ва курсаткичлар, светофорлар, табло ва шунга ўхшашларни мустақил кундаланг түсинларда туташув симларидан тархда камида 2,5 м, кучланиш остидаги бошқа туташув тармоқлар унсурларидан эса камида 1,5 м масофада жойлаштириш лозим.

Трамвай ва троллейбуслар ҳаракат хизмати бўйича қурилмалар, мустасно тарихасида, туташув симларидан камида 1,5 м масофада жойлаштириш рухсат этилади.

4.97 Трамвай ва троллейбуслар ҳаракат хизмати бўйича қурилмалар симларини тортишни назорат ва оғохлантиргич симлари, алоқа ва радио эшиттириш симлари, блоклаш ва милларни бошқариш симлари ва бошқалар) туташув тармоқлари таянчлари бўйича кўзда тутиш лозим.

Кўрсатилган симларни таянчларга маҳкамлаш, ун таянчнинг ташқи томонидаги туташув илгакларига нисбатан жойлашувчи қозикли иҳоталар ва траверслардан фойдаланиш лозим. Бунда таянчнинг юқори қисмида юқорироқ кўчилишли симларни жойлаштириш лозим.

Ҳаракат хизмати ва ҳар қанси таянч юзалари бўйича қурилмалар симлари орасидаги ётиқ бўйича масофа қуйидагилардан кам бўлмашлиги керак, мм: 380/220 В кучланишли симлар учун - 200, кам кучланишли симлар учун - 100.

Туташув тармоқлари таянчларида таъминловчи ва кучайтирувчи симлар мавжудлигида уларда бошқа моҳиятли симларни жойлаштириш рухсат этилмайди.

Мазкур маъёрнинг 4.33 банди талабларига риоя қилган ҳолда сим арқоли кундаланг түсин узунасида ЦНБ химояланган симларини тортиш рухсат этилади.

4.98 Оғохлантиргич ва минг симларини бошқаришнинг электр тармақлари трамвай ва троллейбус туташув симларида ўрнатилувчи қурилмаларни (тутанувлар, датчиклар ва бошқалар) бўлишлари керак.

Мустасно сифетида, бундай тарзларни ишлаб чиқишгача туташув симларини илиниш нукталаридан кўпи билан 2,5 м масофада туташув симларидаги сериясли, шпунтли, блокли ва бошқа туташувларни ўрнатиш рухсат этилади. Бундай қурилмалар тузилишлари трамвай ва троллейбуслар ток қабул қилгичлари бўйлаб ток юрганда ток олиш сифати пасаймаслиги керак.

Бўлимчи химоялар, ҳарорат винтлари, икки сим қосишқичлари, троллейбус йўллари туташув тармоқларининг йўналтиргич тутунлари, шунингдек туташув симлари ва улардаги юкли мувозанатлагичлар четлатгичлари бирлашган ерларида ҳаракат хизмати бўйича қурилмалар учун симлар тортиш рухсат этилмайди.

4.99 Туташув - оғоҳлантиргич симларини трамвай йўлларининг туташув симларига мувозий олиш рухсат этилмайди.

Чегараловчи оғоҳлант.гичларни лойиҳалашда чизикли туташув (датчиклар) электр тарзларини кўзда тутиш лозим.

4.100 Трамвай туташув тармоқларидан таъминланувчи ҳаракат хизмати бўйича қурилмаларни рельсларига уланувчи манфий занжир ер ости қисмида камида  $25 \text{ мм}^2$  кесимли (мис бўйича) сим арқон кўзда тутиш лозим, троллейбус туташув тармоқларидан таъминланувчи занжир аса, шу тармоқнинг манфий симига уланган бўлиши керак.

4.101 Туташув тармоқлари таянчларини: ички ва элпқарисда тортилувчи ҳаракат хизмати бўйича қурилмалар симлари камида 2500 В кучланишли химояга эга бўлиши ва ер юзасидан 2,5 м баландликда механик шикастланишдан сақланган бўлишлари керак.

## 5 ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ ВА ТОРТИШ КИЧИК СТАНЦИЯЛАРИ

5.1 Шаҳар электр нақлиётини электр таъминоти тизимларининг тучи (марказлашмаган ёки марказлашган), тортиш кичик станцияларини сони ва турлари, уларнинг қуввати ва чизикда жойлашшини берилган аниқ шароитларда у ёки бу тизимни омилдорлигини аниқловчи техник-

иктисодий ҳисоб-китоблар асосида танлаш лозим.

Техник-иктисодий натижаларининг турличгида усуллар солиштирилнб, марказлаштирилмаган электр таъминоти тизими афзал ҳисобланади.

Ҳисоб-китоблар билан танланган электр таъминоти тизимлари учун қуйидаги асосий техник кўрсаткичлар аниқланиши жоиз:

туташув симидаги токнинг зичлиги;

тортишув тармоғидаги кучланишни пасайиши;

тортиш кичик станцияси туғрилагич агрегатда рухсат этилган кучлар;

химоялар қуйилиши.

Ёзда электр таъминоти тизимларининг меъёрий иш тартибида трамвай ва троллейбуслар йўлларининг мис туташув симларидаги токнинг ҳисобий зичлиги  $5 \text{ А/мм}^2$  дан ортқ бўлмаслиги, мажбурий тартибда -  $6.8 \text{ А/мм}^2$  бўлиши керак. Ток зичлигини ҳисоблаганда трамвай учун 20 %, троллейбус учун - 10% кесим бўйича туташув симни едирилишини ҳисобга олиш лозим.

Ҳарақатдаги вагонларни ток қабул қилишгача кучланиш тушиши таъминлашни меъёрий тартибида 90 В дан, мажбурийда 170 В дан ошмаслиги керак. Ёнг кўп кучланиш пасайишини ҳисоблашда кесим бўйича трамвай учун 15 %, троллейбус учун - 7,5 % туташув симларини уртача едирилишини ҳисобга олиш лозим.

5.2 Ҳисобий меъёрларни меъёрий тартибда марказлашган тизимлар учун аниқлаш ва мажбурий тартиб бўйича, марказлашган учун - меъёрий ва мажбурийда текшириш лозим. Марказлашган тизимдаги 600 В кучланишли сим арқонни уларни ўзаро эҳтиётга сақлашни инобатга олган ҳолда танлаш лозим.

5.3 Тортиш кичик станцияларида туташув тармоқларини қисқа туташув токларидан химоялари кўзда тутилиши керак; бунда симни таъминловчи қурилма токнинг автоматик ўчирилишини  $I_{от}$  қуйидаги ифода бўйича аниқлаш лозим:

$$I_{от} \geq 2I_{сп} + C; I_{от} \in I_{н1} K_{н2}$$

қерда  $I_{сп}$  - тармоқ қисмининг уртача ҳисобий токи, А;

- С доимий, А; троллейбус учун  $C=800$ ; трамвай якка вагонлар учун  $C=1000$ , куша вагонлар учун  $C=2000$ ;
- $K_{\Sigma}$  - эҳтиёт коэффициенти,  $K_{\Sigma} = 0.85-0.9$ .

Тортиш кичик станциялари сим аркон буйича 6-10 кВ кучланишни узгарувчан ток билан таъминланадилар. Иморотлар қурилмаган ва иморотлар қурилиши кузда тугилмаган ҳудудлар буйича утувчи шаҳар элди ва шаҳарлараро йулларда электр узатишни ҳавоии симлар буйича таъминлаш рухсат этилади.

5.5 Тортиш кичик станцияларнинг асосий истеъмолчилари ҳаракатдаги состав ва уни ҳаракатини соловчи қурилмалар булиб ҳисобланади.

6-10 кВ тортиш кичик станциялари симларига бегона истеъмолчиларни улаиши рухсат этилмайди.

5.6 Электр таъминотининг марказлашган тизимлари тортиш кичик станциялари қуввати буйича энг катта туғрилагич агрегатларини ишлан чикишида трамвай ва троллейбус тармоқларини ишончли электр таъминотини таъминловчи захира агрегатига эга бўлиши керак.

Тортиш кичик станцияларини таъминловчи булмаларини жойлаштиришни электр ҳисоб-китоблари билан аниқлаш лозим. 600 В ли тортиш тармоқларининг сим арконларидаги қувватни йўқолишини камайтириш ва тортиш кичик станциялари биносини электр таъминотини ишончилигини ошириш мақсадида туташув тармоқларидан бегҳсита яқин жойлашган бўлиши керак.

5.7 Тортиш кичик станцияларини куйидагиларни илобатга олган ҳолда лойиҳалаш лозим:

бино қурилиш метёрларига мувофиқ бўлиши керак ва ўрнагилган жиҳозлардан фойдаланишни талаб этилган шартлари таъминланган бўлиши керак (ишни иссиқлик тартиби, жиҳозларни химояланганлик даражаси ва ҳаказолар);

тортиш кичик станциясичан шовкинлар даражаси КМК 2.01.68-96 да белгиланганлардан ошмаслиги керак.

5.8 Тортиш кичик станцияларини автоматика ва телемеханика усқуналари билан жиҳозлаш лозим.

5.9 Трансформатор булмаларида ишлаётган трансформатор томонидан пайдо буладиган шовкинни пасайтириши буйича қурилмавий тадбирларни кузда тутиш керак:

трансформаторлар остилагги пойлевор бино пойлевори билан биргаштирилмаслиги керак;

дарвоза қурилмаси шовкин ютгич ашёли булиши керак;

булманинг шифти ва деворининг юкори қисми шовқиндан химояловчи ашёлар билан қопланган булиши керак;

кириш ва сўрилиш тешиклари, асосан, булманинг бир ташқи деворида жойлашган булиши керак.

Трансформатор булмаларида трансформаторни ўрнатиш учун, шунингдек ечилган қисмининг камида 200 мм кутариш учун мосламалар назарда тутилган булиши керак.

5.10 Электр таъминотини бош қаришни бош бошқарув жойларини, асосан, тортиш кичик станциялар билан бирга баҳариш лозим. Бош бошқарув булмасини биносини КМК 2.09.04-95, ГОСТ 12.1.036-81, шунингдек техник эстетика буйича маёрий хужжатлар (КМ 181-70, ГОСТ 12.4.026-76, ГОСТ 14202-69, ГОСТ 22133-86\*) талабларини илобатга олган ҳолда лойиҳалаш лозим.

5.11 Туман бош бошқарув булмаси билан тортиш кичик станциясини орасидаги алоқа симлари учун шаҳар телефон тармоқларидан абонент булган телефон жуфтидан фойдаланиш лозим. Абонентланган жуфтликдан фойдаланиш имкони булмаганда, ушбу мақсадда тугашув тармоқларининг таянчлари буйича телефон симини утказиш рухсат этилади.

5.12 Барча тортиш кичик станцияларида таъмирлаш-хизмат курсатиш ходимлари учун ишчи хоналари ва санитария булмаларини назарда тутиш лозим. Бир агрегатли тортиш кичик станцияларида марказлашмаган тизимларда ҳар қайси 2 ва 4 чи тортиш кичик станцияларда санитария булмаларини ўрнатиш рухсат этилади.

Элагма. Тезкор трамвайни тортиш кичик станциялари учун РХССО қурилмаларини ишга соловчи қўра тутиш рухсат этилади.

5.13 Туман (марказ) бошқарув булмаларидаги, шу жумладан тортиш кичик станциялар билан биргалликдагиларда қўйидаги хоналар кўзда тутилган бўлиши керак: бошқарув, аппаратхона, лаборатория, бошлик хонаси, устахона, асбоблар дўжраси, ёрдамчи хоналар, битта автомашина учун уралган тўхташ жойи, усталар хоналари, таъмирловчилар хонаси, техник уқитиш синфи (марказий бўлма учу.), иссиқлик булмаси, озиқ-овқат қабул қилиш хонаси, санитария - маиший хонаси ва 1<sup>о</sup> гуруҳ буйича навбатчи ходим учун қурилмалар ва таъмирловчи ходимлар учун 1<sup>о</sup> гуруҳ буйича (ҚМҚ 2.09.04-94).

### 6 ДЕПО, ТАЪМИРЛАШ УСТАХОНАЛАРИ ВА ТЎХТАШ ЖОЙЛАРИ. АСОСИЙ ҲОЛАТЛАР

6.1 Трамвай ёки троллейбус деполарини шаҳар йўловчи нақлиётини барча турларини ривожлантиришини мажмуавий тарзига ёки шаҳар йўловчи нақлиётини ривожлантиришни техник-иқтисодий далиллар (ҳисоб-китоблар) билан мувофиқ равишда жойлаштириш ва шаҳар бош тархи билан боғлиқ бўлиши лозим.

6.2 Депонинг бино ва хоналари, таъмирлаш устахоналари ҳамда тўхташ жойларини портлаш, ёнғиндан портлаш ва ёнғиндан хавфли тоифаларини (А, Б, В, Г, Д) технологик лойиҳалаш меъёрлари ёки шу тоифаларни аниқловчи белгиланган тартибда тасдиқланган махсус рўйхатларга мувофиқ белгилаш лозим.

6.3 Катнов вагонларини сақлаш учун депо, таъмирлаш устахоналари ва тўхташ жойларини, асосан, ҚМҚ 2.07.01-94 га мувофиқ 1,6 м баландликдаги яхлит тўсик ўрнатилган мичтақада жойлаштириш лозим.

6.4 Тўхташ жойи бир вақтнинг ўзида ушда депога бириктирилган барча катнов вагонларини улар сонидан деподаги С1рча қузатув ва таъмирлашувчи машина - ўрниларини ҳамда бошқа корхоналардаг, режа буйича таъмирда бўлган катнов вагонлар сонини назорат қилиш ва ҳолда ҳисобланган бўлиши керак.

6.5 Тўхташ жойини асфальт бетон ёки цемент бетонови қилиб лойиҳалаш

лозим. Туриш майдончасининг бўйлама қиялиги - (троллейбуснинг ҳаракат йўналиши буйича) кули билан 5%, кундаланги 5% дан 15% гача ташкил этиши керак.

Бўйлама йўналиш буйича трамвай йўлларининг қиялиги 2,5% дан ошмаслиги керак.

Катнов вагонлари ҳаракатини солиштирма қаршилигини ўлчаш учун алоҳида майдонга кўзда тутиш зарур.

6.6 Тўхташ жойлари икки турли бўлиши мумкин: очик ва ёпиқ.

Катнов вагонлари учун ёпиқ тўхташ жойларини энг совуқ беш қушиги манфий 30 °С ва ундан паст ҳароратли шаҳарлар учун лойиҳаланган ҳолда назарда тутиш лозим.

6.7 Депо худудида бино ва иншоотлар таркиби ва жойлаштирилиши ҚМҚ II-89-80 ва ҚМҚ 2.09.02-85\* га мувофиқ қабул қилиш лозим.

Эслатма. Депо хоналари таркибига, асосан, депо биналарининг бирида жойлашувчи ёки алоҳида қурилган фуқаролар муҳофази хонаси кириши керак.

6.8 Депо худудида трамвай вагонларий ёки троллейбусларини алоҳида кириш ва чиқишлари (асосий ва эҳтиёт) кўзда тутилиши лозим. Кириш депо томонидан йўлнинг катнов қисмида ҳаракат йўналиши буйича ҳисоблаганда асосий чиқиш йўлидан олдин бўлиши керак. Киришда ўтиш жойи, чиқишда (асосан) - назорат биноси жойлашган бўлиши керак.

6.9 Депо худудига кириш учун дарвоза ёки ундан чиқиш кизил қизикдан трамвай вағони ёки троллейбус кузови узунлигидан кам бўлмаган четланишли жойлашган бўлиши керак.

6.10 Депо худудида катнов вагонлари ҳаракатининг тарзи ҳалқали (бир еқлама) бўлиши ва ўзгариш кетиш йўлига эга бўлиши керак.

6.11 Катнов вагонларининг очик тўхташ жойлари худудларидаги трамвай йўлларининг уқлари, биналари ва иншоотлар орасидаги энг кичик масофани 17 жадвал буйича қабул қилиш лозим.

6.12 Катнов вагонларининг очик тўхташ жойларидаги троллейбус каторлари уқлари, биналар ва иншоотлар орасидаги энг кичик масофани 18 жадвал буйича қабул қилиш лозим.

17-жадвал

Чекланган масофа	Энг кичик масофа, м
Туташув тармоқларини таянчи бўлмаганда ёнма-ён йулларнинг уқлари	3,0
Четки қатордаги йул ўқи тўсиқ ҳам бино девори ҳам	2,8 9,0
Йул оралигида белгиланган туташув тармоқлари таянчларининг четлари ва йул уқлари йул оралигидан ташқарида белгиланган	1,8 1,9
Ёнма-ён қарши ўтиш билан ажратилган ёнма-ён йуллар уқлари	8,0
Иккита бир-биридан олдинма-кетин турган трамвай лаг'аклари	1,5
